

## **ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ТРАНСПОРТ ХИЗМАТЛАРИ ВА ТРАНСПОРТ ИНФРАТУЗИЛМАСИ ШАКЛЛАНИШИНинг ҲУДУДИЙ ҲУСУСИЯТЛАРИ**

Турсунов Озодбек Бадалович

Фарғона давлат университети ўқитувчиси

712000, Фарғона шаҳар, Мураббийлар кўчаси 19 уй

E-mail: ozodbektursunov198812@gmail.com

Турғунов Зикрулло Хабиуллаевич

Фарғона давлат университети талабаси

E-mail: zikrullo.turgunov.93@bk.ru

### **Аннотация**

Мақолада сўнгги йилларда Иқтисодиётни модернизациялаш даврида транспорт хизматлари ва инфратузилмасининг ривожланиш тенденциялари ва ҳудудий ҳусусиятлари, Ҳозирги вақтда Ўзбекистон минтақаларининг кўпчилигида транспорт инфратузилмаси асосий фондларининг эскириши кузатилмоқда, янгиланиш жараёни бормоқда. Ривожланмаган транспорт инфратузилмаси муаммолари минтақа ишлаб чиқариш салоҳиятининг сусайишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида, транспорт хизматларига бўлган талабнинг қисқаришини келтириб чиқаради ва транспорт компаниялари даромадларининг пасайишини ифодаловчи кўрсаткичлари тадқиқ этилган. Тадқиқот жараёнида минтақанинг транспорт хизматлари ва инфратузилмасининг ривожланиш тенденцияларини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш ва уларни баҳолаш бўйича илмий таклифлар берилган.

**Калит сўзлар:** транспорт, транспорт хизматлари, транспорт инфратузилмаси, модернизациялаш, ташиш, таъминланганлик даражаси, таъминланганлик коеффициенти, транспорт тармоғи, минтақа транспорти, ривожланиш тенденциялари, ҳудудий ҳусусиятлари.

### **КИРИШ**

Мамлакатда инновацияларнинг жорий этилиши иқтисодий ўсишга таъсир қиласидиган энг муҳим омиллардан биридир. Бугунги кунда ривожланган

мамлакатларда ЯИМнинг тармоқ таркибида ахбороткоммуникация технологиялари улуши сезиларли даражада ортмоқда. Чунки ахбороткоммуникация технологияларининг иқтисодиётга татбиқ этилиши инновацион ривожланиш учун платформа вазифасини ўтамоқда. Миллий иқтисодиётни инновацион ривожлантириш йўлига ўтказиш мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигининг ортишига олиб келади. Қуйидаги жадвалда мамлакат ЯИМ шаклланишида иқтисодиёт тармоқлар хиссаси ва мазкур тармоқда жами банд бўлганлар ҳамда уларнинг ўзгариш динамикаси, иқтисодиёт тармоқларида жами банд бўлганларнинг яратган маҳсулоти қиймати ҳамда уларнинг ўзгариш динамикаси таҳлил қилиши асосида мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлиги даражасини аниқлашга ҳаракат қиласиз. 1- жадвал ЯИМ шаклланишида иқтисодиёт тармоқларининг хиссаси ва мазкур тармоқда жами банд бўлганлар ҳамда уларнинг ўзгариш динамикаси 1 Таркиби ЯИМда тармоқ улуши, млрд.сўм Иқтисодиёт жами банд бўлганларнинг иқтисодиёт тармоқларида тақсимлашини, минг киши 2010 йил 2017 йил Йилдан йилга ўзгариши, марта 2010 йил 2017 йил Йилдан йилга ўзгариши, марта.

Саноат 38 119,0 148 816,0 3,90 1 605,7 1 826,8 1,14 Хизматлар 26 040,8 118 811,0 4,56 5 870,9 6 732,2 1,15 Қурилиш 8 245,8 34 698,0 4,21 1 033,7 1 290,0 1,25 Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги 17 497,9 69 504,2 3,97 3 118,13 671,3 1,18 1 Қуйидаги маълумотлар асосида муаллиф ишланмаси: Йиллик статистик тўплам: 2010-2016. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси йиллик статистик тўплами. Тошкент, 2017. 52, 115, 220- бет. 2010 ва 2017 йиллар иқтисодиёт тармоқларида яратилган маҳсулотлар ва хизматлар ҳажми, шу тармоқларда жами банд бўлганлар сони ва шу тармоқда банд бўлган ҳар бир киши ҳисобига тўғри келадиган яратилган қиймат ўзгаришининг таҳлили асосида қуйидагиларни айтишимиз мумкин: 2010 йилдан 2017 йилгача бўлган даврда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 3,90 марта ортган, тармоқда жами банд бўлганлар сони 1,14 маротаба ошган. Лекин шу даврда тармоқда банд бўлганлар яратган маҳсулотлар қиймати 3,42 марта ошган, яъни тармоқда кўпроқ киши банд бўлишига қарамасдан улар томонидан яратилган маҳсулотлар қиймати банд бўлганларнинг сонига мутаносиб равища ортмаган. Иқтисодиётда банд бўлганлар сони ортаяпти, лекин улар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар қиймати бунга мутаносиб равища ортмаган, яъни маҳсулотларнинг рақобатбардошлиги ортмаган. Саноат тармоғининг

рентабеллиги камайган. Шунингдек, 2017 йилда хизматлар, қурилиш, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоқларида ҳам 2010 йилга нисбатан мос равища 4,56 ва 4,21 ҳамда 3,97 баробар кўп маҳсулотлар яратилган ва хизматлар кўрсатилган, тармоқда жами банд бўлганлар мос равища 1,15 ва 1,25 ҳамда 1,18 мартаға ортган, лекин мазкур тармоқларда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва кўрсатилган хизматлар қиймати уларда жами банд бўлганларга нисбати тўғри пропорционал равища ошмаган. Бу ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва кўрсатилаётган хизматларнинг таннархи ханузгача юқори бўлиб қолаётганлигидан ва рақобатга бардошли эмаслигидан далолат беради. Иқтисодий ўсишни рафбатлантирадиган ва иқтисодиётни инновацион ривожланишини таъминлашга хизмат қиласиган асосий омиллардан бири мамлакатда илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишларига (ИТТКИ) сарфланаётган ҳаражатлар ЯИМга нисбатан неча фоизни ташкил этишидир. Лиссабон стратегиясига кўра фан, технологиялар ва инновация соҳаси учун ЯИМнинг камида 3 % ажратилиши керак1. Стратегия муаллифлари бу тавсияга амал қилиниши барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаб, мамлакат рақобатбардошлигини ошириши хусусида фикр билдирадилар. 2- жадвал Ўзбекистонда ЯИМ ҳажми, фанга ва ИТТКИга ажратилаётган ҳаражатлар2 Йўналишлар Йиллар 2010 2013 2016 ЯИМ, млрд.сўм 62 388,3 120 861,5 199 325,1 Фан ҳаражатлари, млрд.сўм 81,3 164,7 238,2 Фан ҳаражатлари ЯИМга нисбатан, % 0,13 0,14 0,12 ИТТКИ ҳаражатлари, млн.сўм 121 800,6 237 635,5 440 285,2 ИТТКИ ҳаражатлари ЯИМга нисбатан, % 0,19 0,20 0,22 1 Жаббаров К.Й. Иқтисодиётни инновацион ривожлантириш ва рақобатбардошлик. “Рақобатбардош иқтисодиёт ва уни амалга ошириш йўллари” мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари тўплами. Ўзбекистон Миллий университети. Тошкент, 28 ноябрь 2018 йил. 223-бет. 2 Куйидаги маълумотлар асосида муаллиф ишланмаси: Йиллик статистик тўплам: 2010-2016. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси йиллик статистик тўплами. Тошкент, 2017. 28, 31, 91- бет. ИТТКИ билан банд бўлганлар, киши 35 550 35 253 36 984 ИТТКИ билан банд бўлган бир кишига сарфланаётган маблағ, млн.сўм 3,43 6,74 11,90 Фан ва ИТТКИ қилинган жами ҳаражатлар ЯИМга нисбатан, % 0,32 0,34 0,34 Мамлакатимизда ҳам сўнги йилларда жаҳон мамлакатларида ИТТКИга ҳаражатларнинг ортиб бориш тенденцияси фонида бир мунча ишлар амалга оширилмоқда (2-жадвал). Жадвалдан фан ва ИТТКИга қилинган ҳаражатлар





йил сайин ортиб бораётганини кўрамиз. ИТТКИларида банд бўлган ходимларга сарфланаётган маблағ ҳам ортиб бориш тенденциясига эга. Шу билан бирга фан ва ИТТКИларига қилинган умумий ҳаражатлар ЯИМнинг 0,32- 0,34 % и атрофида бўлиб қолмоқда. Шунингдек, мамлакатимиздаги корхона ва ташкилотларнинг инновацион фаолияти учун қилинган ҳаражатлар 2016 йилда 2571,4 млрд. сўмни, 2017 йилда 4162,3 млрд.сўмни ташкил қилган1. Бу мос равища мамлакат ЯИМнинг 0,012 ва 0,016 фоизини ташкил этган. 2018 йилда Ўзбекистоннинг ЯИМ 232,8 млрд. доллар бўлиб, шундан ИТТКИга 0,63 млрд.доллар ёки ЯИМнинг 0,003 фоизи сарфланган2. Юқорида келтирилган рақамларни кўрсаткични Лиссабон стратегияси ёндашуви билан солиширадиган бўлсақ, мамлакатимизда фан ва технологияларни ривожлантириш учун сарфланаётган маблағлар барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш учун белгиланган меъёр – 3 % дан анча кам эканлигини билиб оламиз. Юқоридаги таҳлил натижалари асосида шуни айтиш мумкинки, миллий иқтисодиётни инновацион ривожлантириш ҳамда иқтисодий ўсишга эришиш учун куйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш зарур:

- иқтисодиётни мувозанатли ва мутаносибли ривожланишига, иқтисодиёт барқарорлиги таъминлашга ва иқтисодий инқирозларнинг олдини олишга қаратилган илмий тадқиқот ишларини жадаллаштириш, давлат томонидан мазкур йўналишда давомий илмий тадқиқот ишларини олиб боришни ташкил этиш;
- ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этишда ишлаб чиқаришга, капиталга ва ишчи кучига ҳаражатлар қилганда мазкур сарфҳаражатларнинг бир-бирига мутаносиб равища амалга оширилишини таъминлаш;
- иқтисодиётга инвестициялар кириб келишини ошириш учун қулай инвестицион муҳит ва мукаммал хуқуқий асослар биргаликда мавжуд бўлишини ҳамда инвестициялар ва жамғармалар макроиктисодий мувозанатини таъминлаш;
- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш, иқтисодиёт тармоқларида жами банд бўлганлар томонидан яратилаётган қўшимча қийматни тармоқнинг йиллик қўшимча ўсиш суръатларидан юқори бўлишини таъминлаш;
- ИТТКИ ва фанга давлат томонидан ажратилаётган ҳаржатлар халқаро амалиёт меъёрлари даражасида бўлишини таъминлаш. Юқорида санаб ўтилган чора-тадбирларни давлат томонидан иқтисодиётни тартига солиш механизми орқали амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир. Натижада иқтисодий ўсиш таъминланиб, иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги ортади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Турсунов, О. Б. (2022). Транспорт Инфратузилмасининг Назарий Асослари.
2. Турсунов, О. Б. (2022). Транспорт инфратузилмасининг мазмуни, таркиби ва минтақа иқтисодий ривожланишига таъсири. so ‘ngi ilmiy tadqiqotlar nazariyasi, 1(2), 190-196.
3. Рахимова, К. Н., Турсунов, О., Мирзаев, Р. Б., Ахмадалиева, М. К., & Кодиров, А. (2022). ЎЗБЕКИСТОНДА «ЯШИЛ МОЛИЯ» ТИЗИМИНИЙ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ. Gospodarka i Innowacje., 28, 90-96.
4. Badalovich, T. O. (2022). Legal and institutional basis of development of transport services and transport infrastructure during the coronavirus pandemic. ASIA PACIFIC JOURNAL OF MARKETING & MANAGEMENT REVIEW ISSN: 2319-2836 Impact Factor: 7.603, 11(09), 55-61.
5. Badalovich, T. O. (2022). Indicators representing the level of provision of transport services and infrastructure of the region. INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429, 11(09), 123-127.
6. Турсунов, О. Б. (2022). Иқтисодиётни эркинлаштириш даврида транспорт хизматлари ва инфратузилмасининг ривожланиш тенденциялари ва ҳудудий хусусиятлари. Ta’lim fidoyilari, 8, 196-204.
7. Xasanov, I. M. (2022). OILAVIY TADBIRKORLIKNI RIVOJLANTIRISH MASALALARI. Research Focus, 1(1), 273-276.